

О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 8 » август 2018 у.

№ 634

Toshkent sh.

**Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини
кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Давлат мулки бўлган ва давлат улуши мавжуд хўжалик юритувчи жамиятлар объектларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, янги рақобатбардош ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, уларни муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этилган алоҳида худудларда жойлаштиришни таъминлаш ва шу асосда ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг бандлик ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПҚ-3194-сон қарорига асосан фаолият юритмаётган корхоналар ва ишлаб чиқариш майдонлари негизида 17 та кичик саноат зоналари ташкил этилган;

Тошкент вилояти кичик саноат зоналарида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 100 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит линиялари очилган.

2. Тошкент вилояти хокимияти, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг давлат мулки бўлган ва давлат улуши мавжуд хўжалик юритувчи жамиятларнинг фойдаланилмаётган объектларини 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича Тошкент вилояти кичик саноат зоналари таркибига (кейинги ўринларда КСЗ деб аталади) киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда фойдаланилмаётган тегишли давлат мулки бўлган объектларнинг бир ой муддатда Тошкент вилояти ҳокимлигига белгиланган тартибда ўтказилишини, шунингдек, давлат улуши

бўлган хўжалик жамиятлари бошқарув органларининг мажлисларида фойдаланилмаётган объектларни бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги солиқ бўйича қарздорликни бериладиган активларнинг қолдиқ (баланс) қиймати суммасига, қарздорлик мавжуд бўлмаган ҳолларда – уларнинг устав жамғармаларидаги давлат улуши ва хўжалик бошқаруви органларининг улушини камайтириш ҳисобидан ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ, Тошкент вилояти ҳокимлигига бериш масаласи кўриб чиқилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 1-иловада қайд этилган КСЗлар чегараларини бир ой муддатда аниқлаштиради.

5. Белгилаб қўйилсинки:

КСЗлар ҳудудига киритилган ҳудудларда фаолият Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПҚ-3194-сон қарори талаблари асосида амалга оширилади;

КСЗ иштирокчиларига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиб бериш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарори билан ташкил этилган Тошкент вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгаши томонидан қабул қилинади.

6. Тошкент вилояти кичик саноат зоналарида муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта тиклаш ишларининг манзилли рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент вилояти Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ушбу қарорга 2-иловага мувофиқ бўлиниш чегарасигача Тошкент вилояти КСЗларининг муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта тиклаш ишларини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекэнерго”АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда ушбу қарорга 2-иловага мувофиқ Тошкент вилояти КСЗларида муҳандислик–коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта тиклаш ишларини амалга ошириш учун тармоқ жадвалларини тасдиқласин ва уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

7. Тошкент вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари билан биргаликда белгиланган тартибда:

Тошкент вилояти иқтисодиётининг эҳтиёжлари, шунингдек, мавжуд минерал-хомашё, қишлоқ хўжалиги ресурсларини ва инфратузилмани инобатга олган ҳолда, Тошкент вилояти КСЗлари ҳудудида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича аниқ таклифлар – “йўл хариталари” икки ой муддатда ишлаб чиқилишини;

Тошкент вилояти КСЗлари ҳудудида ўзлаштириш учун таклиф қилинаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турлари тўғрисидаги маълумотларни тадбиркорлик субъектларига етказилишини;

КСЗлар ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, улар билан тизимли ишлар олиб бориш, шунингдек, Тошкент вилояти КСЗлари ҳудудида ишлаб чиқаришларни жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомалари сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини;

Тошкент вилояти КСЗлари ҳудудида ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашишни таъминласинлар.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2018 йил 15 октябрда ва 2019 йил 15 январда ахборот берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилоятида жойлашган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 30 декабрдаги 1040-сон қарорига 2-илованинг 43 позицияси чиқариб ташлансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси раиси С.Р.Холмурадов, Иқтисодиёт вазири Б.А.Ходжаев, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Н.Ш. Шарипов ва Тошкент вилояти ҳокими Г.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 8 ” август даги
634 -сон қарорига
1-илова

**Тошкент вилояти кичик саноат зоналари таркибига киритиладиган
давлат мулки бўлган ва давлат улуши мавжуд хўжалик юритувчи
жамиятларнинг фойдаланилмаётган объектлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	КСЗ номи	КСЗ таркибига киритилаётган объектларнинг номи	Худуди (га)*	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м)*
1	Ангрен шаҳар КСЗ	“Нақлгазмахсус-қурилиш” АЖ Намуна филиали 4-участкаси худудининг бир қисми**	2,0	-
2	Оҳангарон тумани КСЗ	Оҳангарон тумани ҳокимлигига берилган собиқ “Оҳангарон” совхози бино ва иншоотлари	2,1	1 981,8
3		“Yangi-Angren IES” АЖ маҳсулотларни қайта ишлаш цехининг бино ва иншоотлари**	6,38	8 111,8
4		Оҳангарон тумани ҳокимлигига бириктирилган бино ва иншоотлар	2,5	3 690,0
5	Бекобод шаҳар КСЗ	“Далварзин пахта тозалаш” АЖнинг собиқ пахта тозалаш заводи бино ва иншоотлари (шу жумладан юкларни ортиш цехи)**	2,47	1 216,7
6		Тошкент вилояти “Иссиқлик манбаи” ИЧБ туман қозонхона бино ва иншоотлари***	3,6	8 135,0
7		“Bekobod Agroservis МТР” МЧЖ худудининг бир қисми**	1,8	-
8	Қуйичирчиқ тумани КСЗ	Қуйичирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасининг собиқ юқумли касалликлар шифохонаси бино ва иншоотлари	2,5	1 500,0
9	Чирчиқ шаҳар КСЗ	“Максам Чирчиқ” АЖ ишлаб чиқариш майдони**	4,0	18 755,4
10		“Максам Чирчиқ” АЖнинг қурилиши тугалланмаган объекти ва ер майдони**	28,0	3 888,0
11		“Олмалиқ ТМК” АЖнинг ноёб металл ва қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқариш бўйича Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг объектлари**	6,7	42 518,0

Т/р	КСЗ номи	КСЗ таркибига киритилаётган объектларнинг номи	Худуди (га)*	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м)*
12	Янгийўл тумани КСЗ	“Олмазор ТМТЎИЧ” ДКнинг маъмурий ва ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари	5,59	7 258,0
ЖАМИ:			67,64	97 054,7

**) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиши ва рақобатни ривожлантириши давлат қўмитаси томонидан туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари билан биргаликда аниқланади.*

****) Бино ва иншоотлар, шунингдек, уларга туташ ҳудудлар хўжалик юритувчи жамиятларнинг тегишли бошқарув органлари йиғилишларида кўриб чиқиши натижаларига кўра аниқланади.*

*****) Бинолар бюджет ҳамда давлат мақсадли жамғармалар олдидаги қарздорликни камайтириши бўйича қолдиқ (баланс) қиймати ҳисобига берилади.*

**2018 йилда Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарининг муҳандислик-коммуникация
ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта тиклаш ишларининг
Манзилли рўйхати**

№	Чора-тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдор/ Қувват	Харажатлар микдори* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
Ангрен шаҳар КСЗ						
1	ВЛ-6 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳаво линиясини қуриш	км	3,2	210,0	“Ўзбекэнерго” АЖ маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
2	d=75 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини қуриш	км	1,2	70,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
3	d=160 мм бўлган оқова сув тармоғини қуриш	км	1,1	160,0		Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
4	d=102 мм бўлган газ ўтказиш тармоғини қуриш	км	0,9	145,8	“Ўзтрансгаз” АЖ маблағлари	“Ўзтрансгаз” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
ЖАМИ:				585,8		
Оҳангарон тумани КСЗ						
Оҳангарон тумани ҳокимлигига берилган собик “Оҳангарон” совхозини бино ва иншоотлари						
1	6 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳаво линиясини қуриш	км	0,8	98,0	“Ўзбекэнерго” АЖ маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
2	d=50 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини қуриш ва насос агрегатини ўрнатиш	км дона	0,3 1	50,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
3	d=160 мм бўлган оқова сув тармоғини қуриш	км	1,1	160,0		Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
4	d=102 мм бўлган газ ўтказиш тармоғини қуриш	км	0,5	81,0	“Ўзтрансгаз” АЖ маблағлари	“Ўзтрансгаз” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
ЖАМИ:				389,0		

№	Чора-тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдор/ Қувват	Харажатлар микдори* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
“Yangi-Angren IES” АЖ маҳсулотларни қайта ишлаш цехининг бино ва иншоотлари						
1	6 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳаво линиясини қуриш	км	0,7	96,0	“Ўзбекэнерго” АЖ маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
2	d=110 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини қуриш ва насос агрегатини ўрнатиш	км дона	0,3 1	90,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
3	d=60 мм бўлган оқова сув тармоғини қуриш	км	0,15	40,0		Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
ЖАМИ:				226,0		
Охангарон тумани ҳокимлигига бириктирилган бино ва иншоотлар						
1	6 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳаво линиясини қуриш	км	0,6	92,0	“Ўзбекэнерго” АЖ маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
2	d=110 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини қуриш ва насос агрегатини ўрнатиш	км дона	0,4 1	100,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
3	d=76 мм бўлган газ ўтказиш тармоғини қуриш	км	0,25	40,5	“Ўзтрансгаз” АЖ маблағлари	“Ўзтрансгаз” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
4	d=160 мм бўлган оқова сув тармоғини қуриш	км	0,15	40,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
ЖАМИ:				272,5		
Бекобод шаҳар КСЗ						
“Далварзин пахта тозалаш” АЖнинг собиқ пахта тозалаш заводи бино ва иншоотлари (шу жумладан юкларни ортиш цехи)						
1	6 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳаво линиясини қуриш	км	1,6	185,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
2	d=110 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини қуриш	км	0,1	15,0		Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
ЖАМИ:				200,0		

№	Чора-тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдор/ Кувват	Харажатлар миқдори* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
Тошкент вилояти “Иссиқлик манбаи” ИЧБ туман қозонхона бино ва иншоотлари						
1	6 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳаво линиясини қуриш	км	1,8	205,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
ЖАМИ:				205,0		
Куйичирчиқ тумани КСЗ						
1	10 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳаво линиясини ётқизиш	км	0,1	5,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
2	d=75 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини қуриш	км	0,3	24,0		Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
ЖАМИ:				29,0		
Чирчиқ шаҳар КСЗ						
“Максам Чирчиқ” АЖ ишлаб чиқариш майдони						
1	6 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳаво линиясини қуриш	км	0,9	110,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
ЖАМИ:				110,0		
“Максам Чирчиқ” АЖнинг қурилиши тугалланмаган объекти ва ер майдони						
1	6 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳаво линиясини қуриш	км	0,9	110,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
ЖАМИ:				110,0		
“Олмалиқ ТМК” АЖнинг ноёб металл ва қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқариш бўйича Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг объектлари						
1	6 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳаво линиясини қуриш	км	0,7	98,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
ЖАМИ:				98,0		

№	Чора-тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдор/ Қувват	Харажатлар миқдори* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
Янгийўл тумани КСЗ						
1	6 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи ҳаво линиясини қуриш	км	1,8	240,0	Маҳаллий бюджет маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
2	Насос агрегатини ўрнатиш	дона	1	65,0		Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
ЖАМИ:				305,0		
ҲАММАСИ:				2 530,3		

**) Инфратузилма объектларининг қуввати ва харажатларнинг яқиний миқдори лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши ва тасдиқланиши натижасида аниқланади*